
Вилоят суди судьяларининг навбатдаги сайёр қабули шанба куни
"Жонобод" маҳалласида ташкилланади

Фарғона вилояти суди раиси ўринбосари О.Хасанов бошчилигидаги вилоят суди судьялари ҳамда ҳудуддаги туманлараро ва туман судларининг раислари Ўзбекистон туманида навбатдаги сайёр қабулни ўтказишади.

Фуқароларнинг суд-ҳуқуқ масалаларига оид мурожаатларини кўриб чиқиш учун ташкилланаётган мазкур сайёр қабул 2022 йил 15 октябр, шанба куни соат 9:00 дан бошлаб "Жонобод" маҳалла фуқаролар йиғини биносида ташкил этилади.

Сайёр қабулда қатнашиш истагини билдирган фуқаролар Фуқаролик ишлари бўйича Ўзбекистон туманлараро судига мурожаат қилиб, рўйхатдан ўтишлари мумкин.

☎Мурожаат учун телефон: 73-539-52-07

2022-10-13 09:09:07